

## Ўзбекистонда молиявий саводхонликни ривожлантириш лойиҳаси

**Молиявий саводхонликни ривожлантириш лойиҳаси мақсади** – кам даромадли оилалар истеъмол харажатларини амалга оширишда, шахсий жамғармалар ва инвестициялар (молиявий ва моддий активларга, ҳамда “инсон капитали” яъни таълим ва соғлиқни сақлашга), кредит олиш ва қарзларни бошқариш соҳаларида билим ва кўникмаларини оширишдир. Молиявий саводхонлик бенефициарларга ўз келажаklarини тўғри режалаштириш ва маблағларини асрашда ёрдам беради ва шу билан уларнинг моддий турмуш даражаси яхшиланиши имкониятини оширади ҳамда молиявий хизматлар бозоридаги уларнинг иштироки жадаллашишига таъсир этади.

Лойиҳа Европа Иттифоқининг (Ўзбекистон ҳукумати билан мувофиқлаштирилган “Тадбирлар Дастури – 2006” доирасида) молиявий кўмаги ёрдамида Микромоллия институтлари Миллий Ассоциацияси (Ўзбекистон) ҳамда Польшада жойлашган Микромоллия Маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади. Лойиҳа 2009-2010 йилларда юқоридаги иштирокчилар томонидан амалга оширилган ўхшаш лойиҳанинг давомидир.

### Лойиҳанинг асосий вазафалари:

1. Манфаатдор томонларнинг молиявий саводхонлик борасидаги хабардорлигини ошириш.
2. Молиявий институтлар томонидан таклиф этилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш орқали Ўзбекистондаги кам даромадли оилалар молиявий хизматлар бозоридаги иштирокчини ошириш.
3. Аввалдан мавжуд ва янги маҳаллий маслаҳатчилар салоҳиятини ошириш орқали молиявий саводхонлик соҳасидаги ахборот-консультатив ва таълим хизматлари сифатини яхшилашга йўналтирилган воситалар тўпламини ишлаб чиқиш.
4. Молиявий саводхонликни таълим тизимига жорий этиш имконини яратувчи дастур ва ўқув қўлланма тайёрлаш орқали талабаларга молиявий таълим бериш учун барқарор шароит яратиш бериш.

### Лойиҳани амалга оширишнинг асосий йўналишлари:

1. **Колледж ва лицейлар учун молиявий саводхонлик бўйича ўқув қўлланма яратиш ва жорий этиш.** Яратилган ўқув қўлланма колледж ва лицей ўқувчилари орасида синовдан ўтказилади. Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги “Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши” томонидан чоп этишга тавсия қилинган. Шу билан бирга молиявий саводхонлик элементлари амалдаги таълим дастурларига жорий этилиши кутилмоқда.
2. **Молиявий саводхонликни молиявий ташкилотлар мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнига жорий этиш.** Лойиҳа доирасида молиявий институтлар мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнига молиявий саводхонлик элементларини жорий этиш амалга оширилди. Ушбу мақсадда “Қарзларни бошқариш” ўқув модули маҳаллий шароитга мослаштирилди ва бу лойиҳада иштирок этуви ҳамкор ташкилотлар бошқарувчилари учун “Қарзлари бошқариш” мавзусида тренинг ташкил этиш имконини яратди.
3. **Молиявий саводхонлик соҳасида консультантлар салоҳиятини ошириш.** Лойиҳа доирасида молиявий институтлар мижозлар билан ишлаш бўлимлари ҳодимлари учун 2та беш кунлик тренерлар тайёрлаш тренинглари ташкил этилди. Тренингдан сўнг иштирокчилар олган билим ва кўникмаларини ўз ташкилотларида мижозларга тарқатиш имконига эга бўлдилар.
4. **Молиявий саводхонлик тўғрисида оммавий тарғибот ишларини олиб бориш.** Аҳолига маълумотларни тарғиб этиш мақсадида авваламбор аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига йўналтирилган ижтимоий кампания ташкил этилди. Ижтимоий кампания ОАВ, молиявий институтлар ва таълим муаасасалари орқали амалга оширилди.

Қўшимча маълумот учун [www.mfc.org.pl](http://www.mfc.org.pl) вэб-сайтни кўриб чиқинг

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Ассунта Теста, Дастур Менеджери, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Делегацияси, [Assunta.TESTA@eeas.europa.eu](mailto:Assunta.TESTA@eeas.europa.eu)

Шухрат Назаров, МИМА Ижрочи Директори, [NAMI.Microfinance@gmail.com](mailto:NAMI.Microfinance@gmail.com)

Лилия Пескова, Лойиҳа Координатори, Микромоллия Маркази, [Liliya@mfc.org.pl](mailto:Liliya@mfc.org.pl)



Ушбу лойиҳа Европа Иттифоқи молиявий кўмагида амалга оширилади



Ушбу лойиҳа МФЦ ва МИМА томонидан амалга оширилади



Ушбу ҳужжат Европа Иттифоқи молиявий кўмаги ёрдамида тайёрланган. Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр мулоҳазалар Микромоллия Марказигагина тегишли бўлиб, улардан ҳеч бири Европа Иттифоқининг расмий фикрини билдирмайди. Нашрда келтирилган маълумотлардан фойдаланилганлик ҳолатларида на Европа Иттифоқи ва на унга қарашли бўлган ҳеч бир ташкилот, институт, муассаса ёки уларнинг номидан амал юритаётган ҳеч қайси бир шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас

“Европа Иттифоқи – ноу-хау, ресурслар ва тақдирларни бирлаштиришга аҳд қилган 27 аъзо давлатни бирлаштиради. 50 йиллик кенгайиш даври давомида улар маданий хилма-хиллик, бағрикенглик ва шахс озодлигини сақлаб қолган ҳолда, мустақамлилик, демократия ва катъий ривожланиш зонасини бунёд этдилар. Европа иттифоқи эришган ютуқларини уз чегараларидан ташқаридаги одамларга ҳам етказишга ҳаракат қилади”.